


Мужтаҳид халифа



10:40 / 08 август 1013

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу сиёсат, футуҳот, волийлар, шаҳарлар қуриш, аскарӣ ишлар ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар билангина чегараланиб қолишлари мумкин эмас эди. У кишининг илмлари, у кишининг зеҳнлари, у кишининг ақллари ва тадбиркорликлари олдида мазкур ишлар жуда ҳам содда ва осон эди.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ҳаётларини ўрганар эканмиз, у кишининг улкан мужтаҳид эканликлари, нафақат мужтаҳид, балки кейинги авлод мужтаҳидларига дарслик бўладиган ижтиҳодлар қилганликларига гувоҳ бўламиз.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шаръий ҳукмларни татбиқ қилишда кишининг ақли лол қоладиган даражада жасорат билан иш тутганлар. Энди ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг шунга ўхшаш ижтиҳодларидан баъзиларини батафсилроқ ўрганамиз.

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизийлар Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам хамр ичганларни хурмо шохи ва кавушлар билан урдирдилар. Сўнгра Абу Бакр қирқ дарра урдирди. Умар халифа бўлиб, одамлар қишлоқ-шаҳарларга яқинлашганларида, «Хамр ичганга дарра уришда қандай маслаҳат берасизлар?» деб сўради. Шунда Абдурраҳмон ибн Авф: «Мен уни энг

енгил ҳаддчалик қилишингни маслаҳат бераман», деди. Шунда Умар саксон дарра урдирди».

Бошқа бир ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига хамр ичиб олган киши келтирилган эди, уни икки хурмо шохи ила қирқ марта урдирдилар», дейилган.

Термизийнинг лафзида эса:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадни икки кавуш ила қирқта урдирдилар», дейилган.

Аллоҳ таоло жоҳилият аҳли ўта берилиб кетган хамрни аста-секинлик билан ҳаром қилди. Қуръони Каримда хамрнинг ҳаромлиги қатъиян эълон қилинди. Аммо хамр ичган одамга нисбатан қандай жазо чораси кўрилиши белгилаб берилмади.

Бу ҳам Аллоҳ таолонинг ҳикмати эди. Бу ҳикмат вақт ўтиши билан тушуниб борилмоқда. Хамрнинг турлари кўп, уни истеъмол қилиш ҳам ҳар хил. Ундан келиб чиқадиган оқибатлар ҳам замон ва маконга қараб, турлича бўлади. Бундай нарсанинг жазосини Қуръонда белгилаб қўйиш эса ўша омилларни ҳисобга олмаслик бўлур эди. Ҳакиму Хобийр бўлган Зот – Аллоҳ таолога бундай тасарруф мутлақо тўғри келмайди.

Шунинг учун ҳам жинойтчини хамр учун жазолаш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ила собит бўлди. Ушбу жазонинг миқдорини аниқлаш эса мусулмон ҳукумати ихтиёрига қўйилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом умматининг Расули сифатида хамр истеъмол қилган шахсни кўпчилик олдида калтаклаш ҳукми борлигини айтдилар ва қилиб кўрсатдилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша вақтдаги раҳбар сифатлари ила ўз даврларидаги маст ҳолда қўлга тушганларни хурмо шохи ва кавуш, ҳатто қўл билан уриш ҳам мумкинлигини жорий қилдилар. Шу боис Ислом умматига хамр истеъмол қилиб қўлга тушган маст кишини калтаклашни йўлга қўйиш вожиб бўлди. Нима билан, қанча калтаклашни аниқлаш эса ҳар замоннинг масъул кишилари ихтиёрига тарк қилинди.

Шунинг учун ҳам ҳазрати Абу Бакр ўз ҳалифалик даврларида қирқ дарра урдирдилар.

Ҳазрати Умар эса саксон дарра урдиришни лозим топдилар. Агар хурмо шохи ёки кавуш билан уриш эргашиш лозим бўлган суннат бўлганида, бу икки буюк халифалар бу ишга албатта эргашган бўлар эдилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоху анху хурмо шохи ва кавуш ўрнига дарра урдирганларида саҳобалардан бирорталарининг: «Нима учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилмаяпсан?» демаганлари мазкур ишнинг эргашиш вожиб бўлган суннат эмаслигини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, ҳазрати Умар розияллоху анху саҳобаи киромлардан «Хамрда нима маслаҳат берасизлар?» деб сўраганларида, бирорта саҳоба «Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатлари турганда, биздан маслаҳат сўраб нима қиласан?!» демаганликлари ҳам мазкур ишнинг эргашиш вожиб бўлган суннат эмаслигини кўрсатиб турибди.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоху анхунинг «Мен уни энг енгил ҳаддчалик қилишингни маслаҳат бераман», дейишлари бу ишнинг вазиятдан келиб чиқиб белгиланиши лозим иш эканлигини кўрсатиб турибди.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида арпа, узум, хурмо сувидан тайёрланган хамр истеъмолда бўлган. Шу билан бирга, унинг зарари, кишиларнинг унга бўлган муносабатлари ҳам ўзига яраша бўлган.

Аммо ҳазрати Абу Бакр розияллоху анхунинг даврларига келиб, бу ишнинг бир оз жиддийлашганини хамр ичувчига нисбатан кўриладиган жазо чорасининг жиддийлашганидан билиб оламиз.

Ҳазрати Умар розияллоху анхунинг даврларида эса хамр масаласи ўта жиддий тус олган кўринади. Буни ривоятда келган «Умар халифа бўлиб, кишилар қишлоқ-шаҳарларга яқинлашганларида» деган жумладан ҳам билиб олсак бўлади. Аввалги пайтда саҳровий ҳаёт тарзи ғолиб бўлган. Шунинг учун хамр тайёрлаш, уни тижоратга қўйиш ва ниҳоят, истеъмол қилиш ўзига яраша оз миқдорда бўлган.

Ҳазрати Умар розияллоху анхунинг даврларида Ислом жамияти ниҳоятда кенгайди. Турли юртлар, халқлар, миллат ва элатлар Исломга кирдилар. Уларнинг ўзларига яраша муаммолари, жумладан, хамр муаммоси ҳам бор эди. Кишилар шаҳар ва қишлоқларга яқинлашиб, ўтроқ ҳаёт тарзи ғолиб бўлганидан кейин хамр ишлаб чиқариш, уни тижоратга қўйиш ва истеъмол қилиш ҳам авж олган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам раҳбар Умар

розияллоҳу анҳу бу масалани шуро мажлисига қўйишга мажбур бўлганлар ва унда хамрнинг жазоси энг оз ҳадд, яъни саксон дарра уриш қилиб белгиланган.

Бу иш Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг шариат руҳини, унинг ҳукмларини кишиларнинг ҳолига ва бошқа шароитларга қараб татбиқ қилиш услубларини дақиқ жойларигача аъло даражада билишларининг ёрқин далилидир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли ҳулосаси асосида чоп этилган.